Ушбу сонда:

2 Қурултойдан - қурултойгача КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

3 ВАТАНПАРВАР ГАЗЕТАСИ МЕҲМОНИМИЗ

4 «Ишонч» бонг уради ҚУРУҚ САВЛАТ МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 12 январ, чоршанба № 7 (1848)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ОКРУГДА ЭНГ ИЛҒОР

***Иқтидорли мутахассис билан таништиришни унинг командири ҳамда қўл остидаги посбонларнинг у ҳақдаги фикрларидан бошламоқчиман.***

Взвод командири катта лейтенант Абдужаббор Қурбонов:

– Баҳром тил ўрганишга жуда қизиқади. Рус, инглиз, немис тилларида сўзлаша олади. Жамоамиздаги гуруҳ командирлари орасида энг етакчиси. Нафақат менинг взводимда, балки округ миқёсида ҳам ўз мутахассислиги бўйича илғор командир эканлигини жамоаларaро ўтказилган мусобақаларда фахрли иккинчи ўринни қўлга киритиб, исботлай олди. Ўзи ва қўл остидагиларга нисбатан талабчан йигит. Айнан шунинг учун ўз устида кўп ишлайди ва бошқаларни ҳам шунга ундайди.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ёқубжон Бердиев:

– Командиримнинг бир хислати менга жуда ёқади. У доим бошлаган ишини охиригача етказмагунча қўймайди. Қолаверса, билганларини тушунарли ва содда тилда етказа олиш қобилиятига эга. Ўзим спортнинг кураш турига қизиққанлигим учун уни бу борада ҳам устозим деб биламан.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Талгат Налибоев:

– Катта лейтенант Қулмуродов ҳар томонлама бизга ўрнак бўлишга интилади. Хоҳ у жисмоний машғулотлар бўлсин, хоҳ у дала ўқув машқлари. Шунингдек, «Шогирд албатта устоздан ўзиши керак» деган нақлга амал қилишимизни истайди. Ютуқларимизнинг асосий сабаби назаримда, командиримизнинг бизга билдирган катта ишончидан бўлса керак. Биз бу юксак ишончни доим ҳис этамиз ва бу бизга далда бўлади.

Юқоридаги фикрлар асосида суҳбатдошимиз ҳақида бироз бўлса-да тасаввурга эга бўлдингиз. Келинг, энди у билан яқинроқ танишамиз.

(Давоми 3-бетда)





## «ЗУҲРА-ТЎҚИМАЧИ» МАҲСУЛОТЛАРИ

Гулистон тумани марказида «Зуҳра-тўқимачи» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсата бошлади.

Тадбиркор Зуҳра Бибалаева раҳбарлик қилаётган мазкур корхонада ҳозирча беш турдаги чит маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти. Бошланғич қувват билан ишлаётган тўқимачилик цехида бир сменада 2000 метр мато тайёрланмоқда. Тўлиқ қувват билан ишлаганда кунига 10000 метр маҳсулот чиқариш режалаштириляпти.

Энг асосийси, қишлоқда ўттизга яқин ишчи ўрни яратилди. Ҳозир маҳсулот бозорга нисбатан 18-20 фоизга арзон нархда сотилмоқда. Сифати ҳам бошқа корхоналарда ишлаб чиқарилганларидан қолишмайди.

**Суратларда: тўқувчилар Раъно Маматхолиқова, Наргиза Имомқулова.**

**Муҳаммад КАРИМ (ЎзА) олган суратлар**

## АРЗОН, ҚУЛАЙ, ЗАМОНАВИЙ

«Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси якунланган йилда салкам қирқ миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу 2003 йилдагига нисбатан беш ярим миллиард сўмдан зиёд демакдир.

Хорижга уч миллион АҚШ доллари миқдоридаги техника экспорт қилинди. Заводда чиқарилган нисбатан арзон, қулай ва замонавий тракторларга Россия, Қозоғистон ва Туркия каби давлатларда, айниқса талаб катта.

- Корхонамизда ўтган йили икки минг саккиз юз донадан кўпроқ турли русумдаги тракторлар, бир ярим мингтага яқин тиркамалар, уч юз миллион сўмлик эҳтиёт қисмлари ва халқ истеъмоли моллари тайёрланди, - деди бош директор ўринбосари Маъмуржон Назарметов ЎзА мухбирига. - Тракторларни харидорларга тўғридан-тўғри етказиб беришга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Шу мақсадда жойларда диллерлик тармоқлари ва савдо уйлари ташкил этилаётир.

*Ижтимоий ҳимоя*

## ИНСОНДАН ФАҚАТ ЯХШИЛИК ҚОЛАДИ

***Меҳр-мурувват кўрсатиш буюк аждодларимиздан мерос. Бу анъана бугунги кунда ҳам изчил давом этмоқда. Зеро, дилига меҳру саховатни жо айлаган ҳар бир киши савобли ишдан четда қолмасликка интилади. Бекободда ҳам худди шундай.***

Бугунги кунда туман ижтимоий таъминот бўлимида жами пенсия ва нафақа олувчилар сони 12 минг 785 нафар бўлиб, шундан 1 минг 738 нафари ногиронлик, 8 минг 900 таси ёшга доир, 931 нафари эса боқувчисини йўқотганлик нафақасини олишмоқда. Уларга ҳар ойда 238 миллион сўм миқдоридаги нафақа пуллари ўз вақтида тарқатиляпти.

Инсондан фақат яхшилик қолади. Ушбу нақлга доимо амал қилган ходимларимиз кўмакка муҳтож кишиларга яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Хусусан, 2004 йил давомида 10 нафар ёрдамга муҳтож киши протез-ортопедия мосламаси билан таъминланди. 11 нафар ногирон қўлтиқтаёқ, 18 нафари ҳасса, 3 киши эшитиш мосламаси, 7 нафари эса ногиронлар аравачалари билан таъминланди. Бунда ҳомийлар кўрсатаётган беғараз ёрдамнинг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда. Фермер хўжаликлари 1 та махсус аравача, 2 та эшитиш мосламаси олиш учун керакли маблағни ўтказиб берди. Туман «Маҳалла» жамғармаси эса 2 та эшитиш мосламаси ҳадя қилди.

Айни пайтда бўлимимиз ходимлари ёлғиз яшовчи ногиронларга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонларни вақтида етказиб беришаяпти. Меҳрга ташна қалбларнинг нима илтимослари бўлса, бажо келтиришяпти. Чунки кўмактaлаб кишиларнинг яккаланиб қолишига йўл қўймаслик биринчи галдаги вазифамиздир. Буни чин дилдан ҳис қилган ҳолда ишимизга катта масъулият билан ёндошишга интиляпмиз. Шу боис кўнгли нозик кишиларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш борасида ҳам ғамхўрлик кўрсатилаётир. Чунончи, барча пенсионер ва ногиронлар, шу жумладан, 413 нафар вояга етмаган болаликдан ногиронлар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Қариялар, беморлар ва ногиронлардан 62 нафари республикамиздаги турли сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклаб қайтдилар. Улар бундай беминнат ғамхўрликдан мамнун бўлишмоқда.

Инсон қадр-қиммати сарбаланд тутилган юртимизда меҳр-оқибат ўлмайди. Ўз навбатида меҳрга ташна инсонларимизни ижтимоий ҳимоя қилишдек савобли ишга ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз.

**Ориф РАФИЕВ,**
**Бекобод туман ижтимоий таъминот бўлими мудири**

*2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили*

## ҚИШЛОҚ ШИФОКОРИ

***Ҳожимат отанинг ёши етмишдан ошган, эллик йилга яқин қадрдон хўжалиги далаларида меҳнат қилди. Сув таради, ғўза чопди, пахта терди, хирмонда ишлади, ҳатто, елкасига ўзидан икки-уч баробар катталикдаги қопларни ортмоқлаб баландликдаги бунтларга кўтариб чиққан вақтлари бўлди. Бундай оғир меҳнатлар ёшликда, жисмингда куч-қувват жўш уриб турган кезларда билинмайди-ю кейинчалик, барибир ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмас экан. Мана, ўн йилдирки, гоҳ у ери оғрийди, гоҳ бу ери. Кексалик-да, деб гоҳо эътибор бермайди. Аммо бу сафаргиси сал бошқачароқ эди. Тонг саҳарда, биқинидаги санчиқ негадир иситма чиқарди.***

Оталарининг тоби қочганидан хабар топган ўғиллар чопқиллаб қолишди. Бири ҳамширани чақиргани, иккинчиси эса иситма ва оғриқни қолдириш учун дорихонага қараб кетди. Ҳамшира қиз оқсоқолни кўриб, қишлоқ врачлари шохобчасига бориб учрашишни маслаҳат берди.

— Қўй, қизим, Қўғайингга қачон борамиз. Ахир бир тупканинг тагида бўлса. Етиб боргунча, баттар бўламан, - деди ота унамасдан. Ўғилларим қассобдан пича думба келтиришса, биқинимга боғлаб олсам, тузалиб кетаман...

— Вой отам тушмагурей - ҳамшира қиз кулди. - Янгиликдан бехабар қолибсиз-ку, ахир қўшни маҳаллада янги врачлик шохобчаси очилди. У ердаги тиббий хизмат кўрсатиш Қўғай қишлоқ касалхонасиникидан сира қолишмайди.

— Йўғ-е, - Ҳожимат ота, ётган жойидан қўзғалиб ёнбошлаб олди. - Икки ойгина олдин деворини тиклашаётганди. Мен бу иморат нима десам, медпункт, дейишгандек бўлишганди, яхшироқ эътибор қилмаган эканман. Ҳали битдиямми?

— У медпункт эмас, тиббий хизмат кўрсатиш, касалликларга ташхис қўйиш бўйича сиз билган касалхоналардан сира қолишмайди. Шунақа қимматбаҳо, унча-бунча шифохоналарда бўлмаган ускуналар келтиришганки, таърифига сўз топилмайди.

Шу куни ўғиллар Ҳожимат отани янги очилган шифо масканига олиб боришса, қишлоқ врачлари отахоннинг касалини замонавий аппаратлар ёрдамида дарров аниқлаб, муолажа белгиладилар. Кечгача Ҳожимат ота шу ерда қолиб даволанадиган, яна 3 кун қатнаб муолажа оладиган бўлди.

Дарҳақиқат, янги йил арафасида қурилиши битказилиб фойдаланишга топширилган шохобча қишлоқ аҳлига чинакамига тенги йўқ совға бўлди. Аввало ушбу шохобча биноси энг замонавий талаблар асосида, миллий меъморчилигимиз ютуқлари акс этган ҳолда бунёд қилинди. Энг замонавий, хорижда тайёрланган асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бунинг учун давлат бюджетидан 96 млн. сўм маблағ сарфланди. Бугунги кунда бу ерда малакали шифокорлар, ички касалликлар, болалар касалликлари ходимлари, акушер-гинеколог, стоматолог фаолият кўрсатмоқда. Тезкор анализ лабораторияси ва тўрт ўринли кундузги стационар ишлаб турибди.

— Бизнинг чекка қишлоғимизда шундай ажойиб медицина тармоғи бунёд этилганлиги биринчи навбатда мустақиллигимиз шарофати, - дейди меҳнат фахрийси Олимжон ота Боймирзаев. - Олдинлари бемор кишилар анча йўл босиб, маблағ сарфлаб қўшни қишлоқларга ёки туман марказига қатнаб юрган бўлсалар, бугунги кунда ана шу овoрагарчиликлар барҳам топди.

**О. ЖУМАНАЗАРОВ.**
**«Ишонч» мухбири**

## ҲИНДИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

***Тошкентда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ишбилармон доиралари иштирокида бизнес-семинар бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг қатор вазирлик ва идоралари, уюшма ва бирлашмалари, савдо ва саноат корхоналари раҳбарлари, хусусий тадбиркорлар иштирок этди.***

Ҳиндистоннинг йирик фирма ва компаниялари вакиллари ўзбекистонлик ҳамкорлари билан иқтисодиётнинг турли йўналишлари, хусусан, кимё, лок-бўёқ, тўқимачилик, машинасозлик, ахборот технологиялари, фармацевтика саноати, халқ истеъмоли моллари, қурилиш ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш борасида биргаликда қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишиб олдилар.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов, Ҳиндистон савдо ва саноат давлат вазири Ш.Илангован сўзга чиқди.

* * *

Ҳиндистон савдо ва саноат давлат вазири Шри Илангован Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Мулоқот чоғида томонлар икки мамлакат ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи ва истиқболи, Марказий Осиё минтақаси, шунингдек, Афғонистонда хавфсизлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашди.

**(ЎзА)**

*Шаҳмат*

## ҚОСИМЖОНОВ ВА КАСПАРОВ «ЛИНАРЕС-2005»ДА ЎЙНАЙДИ

***Халқаро шахмат федерацияси - ФИДЕ йўналиши бўйича амалдаги жаҳон чемпиони - ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов ҳамда россиялик Гарри Каспаров ўртасида жаҳоннинг мутлақ чемпионлиги учун ўтказиладиган учрашув спорт оламининг энг муҳим воқеаларидан ҳисобланади.***

Гарчи 2004 йилнинг якунида ФИДЕ раҳбари Кирсан Илюмжинов мазкур учрашув жорий йилнинг январ ойида Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ташкил этилишини маълум қилган бўлса-да, турли сабабларга кўра, дунёнинг энг зўр шахматчилари баҳси ўтказилмай қолди. Айни пайтда ҳам мазкур муҳим мусобақа қачон ва қаерда ташкил этилиши аниқ эмас.

Аммо, Испания мезбонлик қиладиган «Линарес-2005» анъанавий супертурнирида Рустам Қосимжонов жаҳон рейтингида биринчи ўринни эгаллаб турган Гарри Каспаров билан икки партия ўйинда дона суради.

Ушбу турнирнинг нуфузини шундан ҳам билиш мумкинки, Линарес шаҳрига дунёнинг энг кучли халқаро гроссмейстерлари ташриф буюради. Жорий йилнинг 23 феврал куни бошланадиган супертурнирга Рустам Қосимжонов ҳамда Гарри Каспаровдан ташқари Вишванатан Ананд (Ҳиндистон), Веселин Топалов (Болгария), Петер Леко (Венгрия), Майкл Адамс (Англия) ва Франсиско Вальехо (Испания) сингари етакчи шахматчилар таклиф этилган.

## ФАТҲУЛЛО БОБО ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ

Тошкентдаги марказий ҳарбий спорт клубида самбо бўйича фахрийлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати якунланди. Унда ғолиб чиққанлар шу йил Чехияда ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

60-65 ёшлилар орасида 68 килограмм вазн тоифасида бухоролик Фатҳулло Холиқовга тенг келадиган топилмади. 40-45 ёшлилар баҳсининг 100 килограмм вазн тоифасида эса қоракўллик Хўжаниёз Остонаев мамлакатимиз чемпиони бўлди.

**(ЎзА)**

## КЕНГ КЎЛАМЛИ ТАДБИРЛАР

Таълим ва фан ходимлари республика касаба уюшма Марказий қўмитаси учун ўтган 2004 йил самарали бўлди. Кўплаб маъмурий тадбирлар амалга оширилди. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадида умумтаълим мактаблари ҳамда илмий муассасаларда назорат ишлари кучайтирилди. Меҳнат шароитини янада яхшилаш бўйича ташкил этилган республика кўрик-танлови ҳам кутилган натижа билан якунланди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг «физика-қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Самарқанд Давлат университети, Фарғона политехника институти ва яна қатор тадқиқот ўчоқлари жамоалари кўрик-танлов ғолиблари бўлишди.

Улар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

*Масала кўндаланг қўйилади*

## КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИ шартлари нега бажарилмаяпти?

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мақсадга эришишнинг устувор йўналишларидан бири хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ҳамда меъёрий ҳужжатнинг вақтида бажарилишини таъминлаш бўлмоқда. Саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ мамлакатимизда кўплаб фермер хўжаликлари ташкил этилди, сифатли ва харидоргир маҳсулотлар етиштириш йўлга қўйилди. Ҳукуматимиз тадбиркорликка кенг йўл бериб, улар учун зарур шарт-шароитлар, имтиёзлар яратиб берган. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори фермер хўжаликларини давр талаблари даражасида ривожлантириш йўлида кудратли омил бўлди.***

Бугунги кунда республикамизда юз мингдан ошиқ фермерлар фаолият юритмоқда. Етиштирилаётган умумий ғалла ҳосилининг 50 фоизига яқини улар ҳисобига тўғри келмоқда. 2004 йилда 65 минг фермер хўжалиги давлатга дон топшириш бўйича тегишли корхоналар билан шартномалар тузган бўлса, 2005 йилда кўрсаткичлар янада салмоқли бўлди. 56 минг фермер хўжалиги шартнома шартларини бажариб, муваффақиятга эришди. Бироқ, омилкорлик, ташаббускорлик кўрсата олмаган, ҳал қилувчи дамларда бўшашувчанликка йўл қўйган фермерлар уялиб қолишди. Халқимизда қарс икки қўлдан, деган нақл бор. Тадбиркорлар фаолиятининг асосий таянчи бўлган ҳамкор ташкилотлар томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар нафақат шерикларга, балки давлат бюджетига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Республика Адлия вазирлиги хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бошқармаси томонидан ўтказилган мониторинг натижасида ғоятда қимматга тушаётган қонунбузилиш ҳоллари аниқланди.

Мисоллар келтирамиз. Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги «Ўрта қишлоқ» фермер хўжалиги билан «Оқтош дон» акционерлик жамияти ўртасида 2002 йили 12 тонна буғдой етказиб бериш юзасидан контрактация шартномаси белгиланди. Фермер хўжалиги аъзолари ваъдага вафо қилиш учун фидокорона меҳнат қилдилар. Натижа чакки бўлмади. Тадбиркорлар жамият эҳтиёжи учун 2003 йил ҳосилидан 12 тонна сара ғалла етказиб беришди. Бироқ, жамият мутасаддилари шартнома шартларини бузиб, вақтида етказиб берилган маҳсулот ҳақини тўламасдан турли баҳоналарни рўкач қилдилар. Натижада 2004 йил 17 март ҳолатига кўра «Оқтош дон» АЖ фермер хўжалигидан 173.200 сўм қарздор бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунининг 32-моддаси ва шартноманинг 4.3 бандига асосан ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4 фоиз миқдорида ҳамда кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўланиши белгиланган. Шунга кўра, контрактация шартномаси шартларини бажармаслик корхонага қимматга тушди.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 449-, 465-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 69-моддасига асосан, жавобгар ҳисобидан фермер хўжалиги фойдасига асосий қарз, пеня, давлат божи, почта харажатлари ундирилди.

Бундан ташқари, «Оқтош дон» АЖ билан «Бурлоқ», «Ф.Ҳасанов», «А.Темур» фермер хўжаликлари ўртасида ҳам дон етказиб бериш бўйича контрактация шартномаси тузилган бўлишига қарамай, акционерлик жамияти қонунбузилишига йўл қўйган. Масала кўндаланг қўйилгач, муаммо адолатли тарзда ўз ечимини топди.

Қуйидаги ҳолатга ҳам эътиборни қаратайлик. Хўжаобод туманидаги «Замин» кўп тармоқли ишлаб чиқариш савдо фирмаси билан «Қўрғонтепадон маҳсулотлари» АЖ ўртасида 2003 йили тузилган шартномага асосан жами 5.800.000 сўмлик маҳсулот харид қилинган. Аммо олинган ушбу маҳсулот учун тўлов меъёрий ҳужжатда кўрсатилган вақтда эмас, балки тегишли идоралар ва хўжалик судининг аралашувидан кейин амалга оширилди. Қайд этилган қонунга кўра, «Қўрғонтепадон маҳсулотлари» АЖ ҳисобидан «Замин» кўп тармоқли ишлаб чиқариш савдо фирмаси фойдасига ҳам асосий қарз, пеня, давлат божи ҳамда почта харажатлари ундирилди.

Бир томонлама иш юритиш, контрактация шартномалари шартларини вақтида бажармаслик қайсидир тадбиркорнинг идорама-идора овора-ю сарсон бўлишига, судлашиб ўз ҳақини талаб қилишига сабабчи бўлмоқда. Ахир фермер йил ўн икки ой тер тўкиб ишласа, белгиланган ҳосилни вақтида тегишли жойга топширса-ю ҳақини олиш азобга айланса?! Юқоридаги каби камчиликлар омилкор кишиларнинг ишдан кўнглини совутмоқда, қимматли вақтларининг зое кетишига сабабчи бўлмоқда...

**Шокир САИДОВ,**
**Республика Адлия вазирлиги хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи,**
**Раҳима ЖЎРАҚУЛОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

# 14 январ — Ватан ҳимоячилари куни

*Сержантлар тайёрлаш мактабларида*

***Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабида навбатдаги битирувчиларни кузатиш тантаналарига келаётган ота-оналар ва уларнинг яқинлари учун бугун эшиклар очиқ. Сафда турган Паҳлавон отасини кўзлари билан қидираётганди. Ниҳоят, Хурсанд аканинг қувончли чеҳрасини кўриб, ўзи ҳам қувониб кетди...***

## АЪЛО ХИЗМАТЛАРИ ЭВАЗИГА



Самарқандлик ҳарбий профессионал, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Паҳлавон Норбоевнинг ҳис-ҳаяжонларини мухлисларимизга етказиш билан лавҳамизни бошлаганимга сабаб бор. Исми жисмига монанд паҳлавон йигитларимиз Ватан ҳимоячилари сафини тўлдиришида катта рамзий маъно бор. Қолаверса, отасининг исми ҳам шунга яраша, Хурсанд экан. Илойим, ўғлиям уни доимо хурсанд қилиб, аъло хизматлари эвазига фақат олқишлар олсин!

Битирув тантаналарига бағишланган митингда ҳарбий профессионаллар қаторига келиб қўшилаётган посбонларга ўз эзгу тилакларини Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-майор Баҳодир Тошматов, Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар масъул ходими полковник Носиржон Усмонбеков, чегара қўшинлари вакили подполковник Раҳматилла Қурбонов, битирувчилар ота-оналари номидан Мамлакат опа Аҳмедова ва Артур ака Алиевлар изҳор қилишди.

Тадбирда Чирчиқ шаҳар ҳокимининг ўринбосари Тўлқин Маяқубов иштирок этди.

Битирувчилар номидан сўз олган жанговор ўқув аълочиси, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Фаррух Ўринбоев тантанага йиғилган барча меҳмонларга эзгу тилаклари учун миннатдорчилик билдириб, ўзи ва сафдошлари мустақил юртимиз ҳимоячиси деган юксак номга муносиб хизмат қилишларига уларни ишонтирди.

Тадбир бошланишидан авввал қизиққанимизда, ўқув маскани қўмондонлиги бу сафарги битирувчиларга жуда юқори баҳо берганди. Битирув имтиҳонларида текширувчилар посбонларнинг тактика, ўт очиш, махсус тайёргарликлар бўйича яхши билимларга эга бўлишганини таъкидлаб, услубиёт томонидан ҳам пухта билим ва кўникмалар олганига эътибор қаратишган. Имтиёзли сертификатлар берилганлар қаторида механик-ҳайдовчи У.Умиров, снайпер О.Ниёзов, артиллерия разведкачиси М.Мўйдинов, радиостанция бошлиғи О.Ҳасанов каби шартнома бўйича кичик сержантлар устозлар олқишларига эришдилар. Ҳарбий ўқитувчилардан тактика циклидан подполковник О.Ўсаров, тиббий тайёргарликдан тиббиёт хизмати подполковниги М.Баҳроновларнинг меҳнатлари алоҳида таҳсинга лойиқдир.

Тантана якунлангач, битирувчиларга яқинлари билан дийдорлашувга рухсат берилди. Тўхтабой ака Фузулов ўғли Бобомуродни бағрига босаркан, фарзанди анча бақувват, баркамол бўлганига кўзи тушди.

– Тўғриси, Бобомурод ҳаво-десант қўшинларида муддатли хизматини ўтаб қайтганида, уни яна ҳарбий либосда кўраман, деб сира ўйламагандим, - дейди биз билан суҳбатда Тўхтабой ака. – Қаранг, ҳарбийликнинг сеҳри қанчалик кучли экан – орадан бир-икки йил ўтиб, ўғлим яна армияга қайтишни хоҳлади. Оқ фотиҳамни бердим, юртимиз ишончига муносиб посбон бўлиб етишишига тилакдошман. Айтганча, укаси Дилмурод ҳам яқинда ўн саккизга тўлди, баҳорда униям армияга чақиришади. У ҳам акасининг изидан боришни орзу қилмоқда.

Дилмуроднинг қарорига акаси ўқиган ўқув масканида кўрган шарт-шароитлар таъсир қилган бўлса ажабмас. Ҳақиқатан ҳам, мазкур мактаб сўнгги йилларда ўзининг ўқув-услубий базасини мустаҳкамлаб олди. Компьютер ва бошқа кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган ўқув синфлари, яқиндагина топширилган автодром, замонавий спорт базаси, шинам ва дид билан безатилган ётоқхоналарни кўрган йигит акасига ҳавас қилган.

Байрамга Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари томонидан тақдим этилган концерт дастури янада файз бағишлади.

**Майор**
**Аблай КАМОЛОВ**

O'ZBEKISTON QUROLLI KUCHLARI

# ВАТАНПАРВАР ГАЗЕТАСИ МЕҲМОНИМИЗ

*Десантчилар*

***Машҳур немис файласуфи Гегел шундай деган экан: «... характерли инсон – бу ўз олдида муайян мақсадга эга ва унга қатъият билан интилувчи, мулоҳазали инсондир.» Ҳа, ҳаётда кўпчиликнинг ўз олдига қўйган мақсади бўлади. Бироқ, нишон кўрингани ҳали унинг бехато яксон этилишини англатмагани сингари, мақсаднинг аниқлиги ҳам, албатта унга етишиш йўлида қатъий ҳаракат бўлмаса, деярли ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Демак, мақсадга етишиш учун сабр-бардош, матонат, ирода каби фазилатларга эга бўлиш ёки бир сўз билан айтадиган бўлсак, юқорида таъкидланганидек, характерли бўлиш талаб этилади. Назаримда, лавҳамиз қаҳрамонини санаб ўтилган фазилатлар соҳиблари қаторига қўшсак бўлади. Унинг фаолияти айнан шундан далолат бермоқда.***

## МАҚСАД САРИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН

Хоразм вилоятининг Шовот туманида таваллуд топган Отабек Матсапаев ёшлигидан ҳарбий бўлишни, эгнига ҳарбий либос кийишни орзу қилган. Эркин ака ўғлининг айнан шу йўлни ихтиёр этганидан хурсанд эди. Ўшанда катта умидлар билан Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжатларини топширган йигитга, афсуски, омад кулиб боқмади. Бироқ, курсант бўлишга иштиёқманд Отабек руҳан чўкмади, умидсизликка берилмади. Келаси йил яна ўз бахтини синаб кўрди. Бўлмади. Балки унинг ўрнида бошқа биров бўлганида ўзгачароқ йўл тутган бўлиши ёки умуман танлаган касбидан воз кечиши мумкин эди. Лекин қарори қатъий ва иродали йигит муддатли ҳарбий хизматга отланди.

Нукус гарнизонида йигитлик бурчини ўтар экан, оддий аскар Матсапаев катта қизиқиш, қолаверса, мақсадига етишиш учун зўр иштиёқ билан ўз вазифасига ёндошди. Муддатли ҳарбий хизмат ниҳоясига етгач, шартнома бўйича хизматчилар сафидан жой олди.

Биз сизларга босиб ўтган ҳаёт йўлини қисқача баён этиб берган посбон ҳозирда десантчилар қисмида хизмат қилмоқда. Взвод командири катта лейтенант Анвар Нурматовнинг ишонган шунқорларидан бири бўлмиш шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Отабек Матсапаев – взвод старшинаси.

– Доим севимли машғулот билан банд бўлишга, унда фаолият кўрсатишга нима етсин, - дейди десантчи. – Шундай экан, ўзимни бахтли инсонлардан деб биламан. Ахир, болаликдаги орзуларим рўёбини кўраяпман. Ўз навбатида, касб сир-асрорларини ўзлаштиришимда, у ҳақда билим ва кўникмаларга эга бўлишимда муносиб ҳисса қўшган устоз-офицерларимдан бениҳоя миннатдорман.

Сўнгра, кичик сержант — капитанлар – Тоҳир Мамараҳимов, Бобир Эргашев ва Бобомурод Пармоновларни мамнуният ила тилга олди. Айтишича, улардан кўп нарсаларни, асосийси командирларга хос талабчанлик ва бошқарувчиликни ўрганди.

Дарвоқе, якуний синовлардан бу сафар ҳам муваффақиятли ўтган кичик сержант жамоа илғори деган номни сақлаб қолди ва сафдошларига ўрнак бўлди. Маълумки, взвод старшинаси аскар ва сержантларнинг хизматни ўташ қоидаларига риоя қилиши, жамоада ҳарбий интизом ва ички тартибнинг сақланиши ва шу кабилар учун жавобгар. Назаримда, взвод старшинаси касбга доир билимлардан ташқари, инсон психологиясидан хабардор бўлиши ва руҳиятини ҳис этган ҳолда қўл остидагиларни тушуна билиш қобилиятига эга бўлиши керак. Акс ҳолда, қандай қилиб у посбонларнинг маслаҳатгўйи ва зарур бўлса, дўстига айлана олади.

– Мен жамоадошларим билан имкон қадар самимий мулоқотда бўлишга интиламан. Ўзим ҳам аскар бўлганлигим учунми, уларнинг хаёлидан нималар кечишини озмикўпми биламан. Ҳар бир аскар билан ишлаш учун аввало, у ҳақдаги маълумотларга эга бўлган ҳолда феъл-атвори хусусида муайян тасаввур ҳосил қиламан. Масалан, кимгадир бир бора қилинган танқид ёки сафдошлари олдидаги танбеҳ кифоя қилса, бошқаларга ушбу тадбирларнинг қўлланиши кутилган натижа бермайди. Шундай экан, ҳар қандай чора кўришдан оддин юқорида айтилганларга амал қилишга ҳаракат қиламан, - дейди посбон.

Ҳар қандай жамоада бўлгани сингари суҳбатдошимиз хизмат қилаётган десантчилар взводида ҳам умумжамоа ғалабаларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган Ватан ҳимоячилари бор. Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари – Акбар Шарипов, Улуғбек Шомирзаев, Одилбек Ҳофизовлар шулар жумласидан. Бу каби ҳарбий хизматчилар сингари взвод старшинаси ҳам доим тайёргарликнинг барча турлари бўйича илғор бўлишга интилади. Айтиш мумкинки, бу борада улар ўртасида рақобат, асосийси, соғлом рақобат мавжуд. Изчил ислоҳ этилаётган Қуролли Кучларимизга муносиб, қолаверса, профессионал жангчи бўлишда бундай рақобатнинг самараси беқиёс, албатта.

Кичик сержант Отабек Матсапаев ҳақидаги лавҳамизни инглизларнинг қуйидаги мақоли билан якунламоқчиман. Чунки ўз қатъияти билан мақсадига етган десантчи мисолида унинг нақадар тўғри айтилганига яна бир бора ишонч ҳосил қилиш мумкин: «Сенинг характеринг – сенинг тақдиринг».

**Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири**

## «СЕН ФАХРИМСАН, АСКАР БОЛАМ!»

— Болажоним, соғ-омонмисан. Бўйларинг ҳам чўзилиб қолгандек,назаримда. Ҳарбий либос ярашган бўйларингдан ўргилай. Уйни, бизларни соғингандирсан? Ёзган мактубларингни, юборган суратларингни кўрдик. Суратингни қўни-қўшнилар кўриб, «ўзимизни Ҳусниддинми? Кўз тегмасин, кап-катта йигит бўлиб қолибди. Башоратхон, кўзга яқин бу ўғлингизга келин излайверинг» дейишади. «Хизматни аъло даражада ўтаб қайтсин. Овозаси етти маҳаллага етадиган тўй қиламан», дедим. «Ўгитларимга амал қилиб, командирларнинг буйруқларини оғишмай бажар. Ватан сендай ўғлонларга ишониб, қўлингга қурол бериб қўйибди. Юртимиз ҳимоячилари, дея биз сизлар билан фахрланамиз, Бундай шарафга муносиб бўлмоғинг керак. Сен армияга қайтганингдан бери ҳарбий кўрсатувларга янада эътибор билан қарайман. Яқинда бир аскар йигитни телевизорда кўрсатишди. Мардлик кўрсатиб, намуна бўлибди. Ана шундай хизмат қилишингни хоҳлайман. Попнинг патирларини соғингандирсан? Сен каби аскар болаларимга чиройли қилиб ёпилган патирлардан келтирдим. . .» Она-бола шу тарзда дийдорлашиб, анча суҳбатлашишди. Келинг, уларни сизга ҳам таништирайлик. Бола-оддий аскар Ҳусниддин Бобожонов.

Онаси - Шарофат ая Жўраева. Улар Наманганнинг Поп туманидан. Ҳусниддин Муҳиддин аканинг тўнғич фарзанди. Уларнинг оиласида икки нафар ўғил, уч қиз бор. Она - болалар боғчасида тарбиячи. Ота - фельдшер.

Аскар онасини етаклаб, қадрдон ҳарбий жамоаси - ётоқхона, ошхона, спорт майдончаси, қисм кулуби, кутубхона, хуллас, барча шарт-шароитлар билан таништирди. Дўстлари, командирлари билан таништирди. Хўш, аскар онасининг таассуротлари қандай бўлди?

— Болам, сизларга яратилган шароитлар мени қувонтирди. Очиғи, уйда бундай шароит йўқ. Бу ҳам бўлса давлатимизнинг Ватан ҳимоячиларига эътибори, ғамхўрлигидан. Телевизорда кўриб, газеталарда бу ҳақда кўп ўқиганман. Аммо ўз кўзинг билан кўриб, гувоҳ бўлишингга нима етсин! Сен ўз бурчингни аъло ўтаб, вазифангни виждонан бажарсанг, кўнглим тўқ бўлади.

Бунга жавобан оддий аскар Бобожонов асл посбон бўлишга, ота-онанинг юзини ерга қаратмасликка, Ўзбекистон аскари деган номини янада улуғлашга сўз берди.

**Майор,**
**Ш.ТОЛМАСОВ.**

## ОКРУГДА ЭНГ ИЛҒОР

(Боши 1-бетда)

Катта лейтенант Баҳром Қулмуродов Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Бойтерак қишлоғида туғилган. Тўққиз фарзанднинг учинчиси бўлмиш Баҳром мактабни битирган йили ўз ҳужжатларини Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига топширган. Пухта ҳозирлик кўрган ва астойдил тайёрланган йигитга ўша йилиёқ курсант бўлишлик насиб этди. Ҳозирда собиқ курсант олий ҳарбий билим юртида сабоқ берган барча устоз офицерлардан хусусан, – С.Тошбоев ва И.Ортиқовлардан жуда миннатдордир.

Қашқадарёлик посбон офицер сифатидаги фаолиятини 2002 йилда, ҳозирда ўзи хизмат қилаётган ҳарбий қисмда бошлаган. Разведкачилар гуруҳи командири, у.

Дарвоқе, юқорида командирнинг шунқорларидан бири Баҳромни «кураш борасида ҳам устозим» дея тилга олганди. Катта лейтенантни кўрган киши унинг спорт билан мунтазам шуғулланишини пайқамай қолмайди. Ахир қаҳрамонимиз баланд бўйли, кенг елкали, умуман олганда, полвонкелбат йигитлардан. Уни беихтиёр: «мана, ўзбегимнинг алпомиши» дегинг келади. Шу ўринда офицерни кураш билан шуғулланишига тўхталсак. Қаҳрамонимиз ўз ҳарбий қисми миқёсида кураги ерга тегмаган полвонлардан. У қатнашган сўнгги беллашув 8 декабр – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланиб ўтказилган мусобақадир. Ўшанда ҳам рақибларини кетма-кет мағлуб этган Баҳром бош совринни қўлга киритганди.

Катта лейтенант Қулмуродовнинг қизиқишларига келсак, у компьютердан фойдаланишнинг барча сир-синоатларини мукаммал ўзлаштиришга киришган. Тўғрида, замонавий офицер ҳар томонлама билимдон бўлиши шарт. Бундан ташқари, командир китоб ўқишга, айниқса, ўтмишимиз, тарихимиз, қатағон йиллари ҳақидаги адабиётларни мутолаа қилишга қизиқади. Китоб билан ошно инсоннинг шахсий кутубхонаси бўлиши табиий. Баҳромнинг ҳам анчагина китоблари бор. Бироқ, энг сара адабиётларни тўплашни режа қилиб қўйган йигит китоблари сонини бир неча баробар оширмоқчи.

Ҳар бир устознинг ишонган шогирдлари бўлган сингари офицер шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Темур Жумабоев ва Жамшид Қодировларни фахр билан тилга олди. Унинг айтишича, уларга ҳар қандай вазифани ҳеч иккинланмай топширса бўлади.

Катта лейтенант Баҳром Қулмуродов ўтган ўқув йилини юксак ғалабалар билан якунлаган ҳарбий хизматчилардан. Чунки у Қуролли Кучларимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган энг илғор мутахассис кўрик-танловининг иккинчи босқич, яъни округ миқёсида «Энг илғор гуруҳ командири» бўлишга муяссар бўлди. Демак, Тошкент ҳарбий округидаги гуруҳ командирлари ичра у энг сараси.



– Бу ғалаба нафақат меники, - дейди офицер. – Балки бутун жамоамизникидир. Ахир командирнинг юзи унинг шахсий таркибидир. Айтиш мумкинки, ушбу муваффақиятимизга гуруҳимизнинг ҳар бир аъзоси муносиб ҳисса қўшди. Ҳақли равишда, жамоа бошлиғи сифатида улар билан фахрланаман.

**Лейтенант**
**П.ЖУМАНАЗАРОВ.**

*Оламда нима гап?*

## МАҲМУД АББОС - ФАЛАСТИННИНГ ЯНГИ РАҲБАРИ

Якшанба куни Фаластин Миллий маъмурияти раҳбарлиги учун сайлов ўтказилди. Марказий сайлов комиссиясининг дастлабки маълумотларига кўра, унда Фаластин озодлик ташкилоти ижроия қўмитаси раиси, собиқ бош вазир Маҳмуд Аббос ғалаба қозонган.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарларига қараганда, сайловчиларнинг 60 фоиздан ортиғи М.Аббос учун овоз берган. Унинг асосий рақиби, Иордан дарёсининг ўнг соҳилидаги ҳуқуқ ҳимоячилари ҳаракати етакчиси Мустафо Баргутий 24 фоиз овоз тўплашга муваффақ бўлган. Қолган сайловчилар бошқа номзодлар учун овоз берган.

Сайлов турли мамлакатлардан келган вакиллар томонидан кузатиб борилди. Уларнинг фикрича, Фаластиннинг бўлажак янги раҳбари олдида катта ва ниҳоятда масъулиятли вазифалар турибди. Хусусан, мамлакатда сиёсий ва иқтисодий соҳаларда, хавфсизлик масаласида ислоҳотларни амалга ошириш, террорчи ташкилотлар ва айирмачи гуруҳларга қарши курашни кучайтириш лозим.

Якуний натижалар ҳали эълон қилинмаган бўлса-да, Маҳмуд Аббос ўз ғалабасини мухториятнинг марҳум етакчиси Ёсир Арафотга бағишлаши, келажакда унинг йўлини давом эттиришини маълум қилди. Шунингдек, у Фаластин халқининг мустақил ва барқарор ҳаёт кечириши учун қўлидан келганича ҳаракат қилишини ҳам таъкидлади.

Исроил бош вазири Ариэл Шарон натижалар расман эълон қилинганидан кейин Фаластиннинг янги раҳбари билан музокаралар олиб боришини билдирди. Маҳмуд Аббос Фаластин бош вазири сифатида фаолият юритган кезлари Яқин Шарқ муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш мақсадида Ариэл Шарон билан бир неча бор музокаралар ўтказган. Улар ўртасидаги яхши сиёсий мулоқот йўлга қўйилган.

## ЕВРОПА: ТЎФОН ТАЛОФАТИ

Европа минтақасида табиий офат юз берди. Ўтган ҳафтада бошланган кучли тўфон ва ёғингарчилик оқибатида йигирмага яқин киши ҳалок бўлди ва кўплаб тураржой биноларига зарар етди.



Япония

Би-би-си тарқатган хабарларга қараганда, тўфон Швеция қироллигига жуда катта талафот етказган. Секундига 42 метр тезлик билан эсган кучли шамол оқибатида автомобил ва темир йўллардаги ҳаракат тўхтаб қолди. 400дан зиёд тураржой биноси электр таъминотидан маҳрум бўлди. Мальме шаҳридаги аэропорт вақтинча ёпиб қўйилди. Пойтахт Стокголмда атом электр станциясидаги иккита реактор тўхтатилди.

Данияда фалокат тўрт кишининг ўлимига сабаб бўлди. Мамлакат денгиз чегара хизмати тўфон натижасида ҳалокатга учраган Голландияга тегишли кеманинг экипажини қутқариб қолишга муваффақ бўлди.

Германия шимолидаги Шлезвиг-Холштайн федерал ери ҳам табиий офатдан зарар кўрди. Бу ерда шамол бир нечта дарахтни илдизи билан қўпориб юборди ва кўплаб уйларга шикаст етказди. Брамзее кўлида қайиқда сайр қилаётган икки киши бедарак йўқолган.

Кучли ёғингарчилик ва шамол Буюк Британияни ҳам четлаб ўтмади. Маълумотларга қараганда, бу ерда 3 киши ҳалок бўлган ва яна 2 одамни сув тошқини денгизга суриб кетган. 70 мингдан зиёд оила электр таъминотидан маҳрум бўлди. Секундига 45 метр тезлик билан ҳаракатланган тўфон кўплаб автомобилларни ағдариб, уй томларини учириб юборган. Шотландия соҳилларида эса бортида 100дан зиёд йўловчи бўлган паром саёзликка урилди.

Тўфон Полшанинг денгизбўйи ҳудудларида электр тармоғини ишдан чиқарди. Эстониянинг Пярну шаҳридаги дам олиш маскани эса сув остида қолди. Табиий офат оқибатида Литванинг баъзи қисмларида аҳоли сув, электр, иссиқлик қуввати таъминотидан маҳрум бўлди, қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етди.

## СУДАН: ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Кения пойтахти Найроби шаҳрида Судан масаласи бўйича музокара ўтказилди. Унда мамлакат жанубидаги можароларга чек қўйиш мақсадида ҳукумат ва исёнчи гуруҳ вакиллари ўртасида тинчлик битими имзоланди.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, мамлакатнинг жанубий ҳудудидаги қуролли тўқнашувлар 20 йилдан буён давом этиб келади. Бу ерда яшовчи аҳоли асосан насроний динига мансуб бўлиб, улар мухторият берилишини талаб қилиб келарди. Можаролар туфайли икки миллионга яқин инсон ҳаётдан кўз юмди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарларига қараганда, тинчлик битимида қуролли можароларга барҳам бериш ҳамда давлат бошқаруви аниқ кўрсатилган. Ҳужжатга мувофиқ, мамлакат жанубида ўтиш даври ҳукумати тузилади ва олти йил мобайнида фаолият юритади. Шундан кейин жанубий ҳудуднинг ягона Судан таркибида мухторият мақомида қолиши ёки мустақил давлатни барпо этиши юзасидан референдум ўтказилади.

Ўтиш даври ҳукумати ўзининг қуролли кучларига эга бўлиши мумкин. Агар референдум натижалари давлатнинг бўлинмаслигини кўрсатса, у ҳолда тузилган қуролли кучлар ягона армияга бирлаштирилади. Лекин шариат қонунлари жанубда бутунлай бекор қилинади.

Судан президенти Умар ал-Баширнинг фикрича, тинчлик битими нафақат мамлакатнинг жанубий қисмида, балки бошқа ҳудудлар, хусусан Дарфурдаги беқарорликка барҳам бериш учун ҳам асос бўлиши мумкин.

Исёнчиларнинг Судан халқ озодлик армияси ташкилоти етакчиси Жон Гаранг ушбу битимнинг имзоланиши Африка қитъасида узоқ давом этган фуқаролар урушининг якунланганидан далолат эканини таъкидлади.

Найробидаги учрашувда қўшни мамлакатлардан келган расмий вакиллар ҳамда АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл иштирок этди. К.Пауэлл тинчлик битимини тарихий воқеа сифатида баҳолади. Унинг фикрича, мазкур ҳужжат ҳар қандай мураккаб масалани ҳам музокара йўли билан ҳал этиш мумкинлигини яна бир бор исботлади.

Тинчлик битими атрофлича ўрганиб чиқилганидан кейин Суданнинг жанубида ўтиш даври ҳукумати расман иш бошлайди. Тахминларга кўра, бунинг учун уч ой керак бўлади.

**(ЎзА)**

## ГЎЗАЛЛИК САЛОНИ



Гулистон шаҳрининг учинчи мавзесида фаолият кўрсатаётган «Белла» гўзаллик салонини билмайдиганлар камчиликни ташкил қилади. Негаки, бу ерда ўз ишининг усталари, фидойилари меҳнат қилишади.

«Белла»нинг моҳир қизлари маромига келтириб соч турмаклашда, педикюр, маникюр ранг-баранглигида ҳамда «Элита» парда тикишда бошқа гўзаллик салони қизларидан сира қолишмайди.

**Суратда: «Элита» пардалари устаси Нодира Раззоқова.**

**Муҳаммад КАРИМ (ЎзА) олган сурат**

*«Ишонч» бонг уради*

***Меҳнаткашлар кўтаринки руҳда, шижоат билан ишлашлари учун аввало уларга яратиб берилган шарт-шароитлар кўнгилдагидек бўлиши, ходим эришаётган натижалардан, олаётган маошдан қониқиш ҳосил қилиши керак.***

## ҚУРУҚ САВЛАТ МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ

Яқин-яқингача Дўстлик туманида саккизта маданият саройи, 1 та ёпиқ кинотеатр, 9 та ёзги киноклублар фаолият кўрсатиб келарди. Ҳозирда мазкур маданият масканлари фаолият юритмай, ҳувиллаб қолди. Нега шундай бўлди? Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Авваллари бу масканларда тадбирлар ўтказиш, турли тўгараклар ташкил этиш хўжаликлар касаба уюшмалари ташкилотлари ходимлари зиммасида эди. Биламизки, хўжаликлар тугатилиб, улар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Бу яхши, албатта. Бироқ хўжаликлар қўрғонларидаги маданият саройлари, ёзги киноклублар айрим, савдо ва маиший объектлар эгасиз қолди. Халқ мулкини талон-тарож қилувчилар топилди. Масалан, тумандаги Мамажон Дадажонов номли ширкат хўжалигининг 600 ўринга мўлжалланган Маданият саройининг қўлга илингудек барча жиҳозларию пол тахталари, эшик-деразалари, шиферларигача ўмариб кетилди. Тўрт деворгина қолди. Шунингдек, Мурод Абдувосиев номли, «Оқ олтин» хўжаликларидаги маданият саройлари ҳам талон-тарож қилиб юборилди. Қолган маданият масканларининг ҳам ҳолига маймунлар йиғлайди. Ёмғир ёғса чаккалар ўтиб, деворлари нурай бошлади. Сўнгги 5-6 йил ичида эшикларида қулф осиғлик турибди.

Туманда бугунги кунда атиги битта ёзги киноклуб мавжуд. У ҳам қуруқ савлат тўкиб турибди. Дўстлик шаҳридаги «Дўстлик» маданият саройининг бугунги аҳволи ниҳоятда ачинарли. Маскан ичкарисига қайиқда сузиб ўтишингиз мумкин. Чунки куз бошлангач, то ёзгача сарой атрофида «сунъий кўл» ҳосил бўлади. Бир амаллаб ичкарига кирган заҳотингиз авария ҳолатидаги деворларни кўриб, ажабланасиз. Ёмғир ёғди дегунча, бино ичига челаклаб чакка ўтади. Бино 1985 йили қуриб, ишга туширилган. Ўтган йиллар мобайнида бирон марта жорий, на капитал таъмирланди.

Энг қизиғи шундаки, туман ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими маъмурияти ана шу бинода қўним топган. Аҳён-аҳёнда бу ерга саноқли кишилар бирров келиб-кетадилар. Бўлим мудирининг айтишига қараганда, у йил ўн икки ой далада, қишлоқ хўжалик ишлари билан банд экан. У кишини яқинда иш жойларида учратиб қолиб, анча суҳбатлашдик. Энг аввало, мудир ҳамроҳлигида бино хоналарини кўздан кечирдик. Ўнлаб хоналар бўм-бўш, ҳувиллаб ётибди. Баъзи хоналарга қушлар ин қуриб олишган. 600 ўринга мўлжалланган тадбирлар ўтказиладиган катта залга бош суқишингиз билан аллақандай ҳид димоғингизга урилади. Баъзи ўриндиқлар синиб, мункайиб ётибди. Чакка ўтиб, деворлар нураб қолган. Файеда кўлмак сув...

Барака топсин, маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Мирсаид Эшимқулов мавжуд аҳвол тўғрисида очиқ гапиришга ҳаракат қилди. У кишининг таъкидлашича, хўжаликлар қўрғонидаги маданият саройлари биноси хўжаликлар балансида экан. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги «Идорага қарашли ижтимоий соҳа объектларини давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида»ги 453-сонли қарорини эслатганимизда, бироз ўйланиб, хўжалик, корхона, ташкилот ҳисобидан маданий иншоотлар таъмирлангандан сўнг бўлим балансига ўтказиш бўйича вазирлигимиздан кўрсатма олганмиз, дея жавоб берди.

Ҳайрон қолдик. Маданият шохобчалари бузилиб кетаверса, кутубхоналардаги китоблар сув қилиб юборилса маданият ишлари бўлими қўл қовуштириб ўтирганига нима дейиш мумкин? Майли, хўжаликлардаги маданият масканларини қўя турайлик, бўлим маъмурияти жойлашган, унинг балансида бўлган «Дўстлик» маданият саройининг бундай аҳволга келиб қолишида мудирнинг айби йўқми? Эътиборсизлик ва совуққонлик оқибатида туманда маданият ишлари ўлда-жўлда. Кутубхоналар аҳволи ҳам аянчли. Қ.Раҳимов номли, «Дўстлик», «Истиқлол» хўжаликлари ҳамда «Дўстлик» маданият саройи қошидаги кутубхоналар таг-туги билан йўқ қилиб юборилганини қандай изоҳлаш мумкин? Боз устига мавжуд кутубхоналардаги китобларнинг аксарияти шўролар замонида яратилган адабиётларни ташкил этади. Туман марказидаги болалар кутубхонаси бўлимга қарашли мусиқа мактаби биносида жойлашган. Мусиқа мактаби авария ҳолатига келиб қолган. Деворлари нураб, поллари чириб, қаровсиз ҳолга келтирилган. Кутубхона учун ана шундай бинодан бор-йўғи битта хона ажратилган. Чакка ўтиши натижасида китоблар сув ичида қолган. Қарийб 7 мингга яқин китобларнинг аксарияти моғор босиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган. Болалар кутубхонасида биронта ҳам лотин ёзувига асосланган китобнинг йўқлиги ачинарли ҳол.

Мутахассислиги олий маълумотли кутубхоначи Сайим Юсуповнинг таъкидлашича, маданият ишларига, хусусан, кутубхоналар фаолиятига ўгай кўз билан қаралаяпти. Мустақиллик йилларида яратилган адабиётлар бизнинг кутубхоналаримизда бармоқ билан санарли. Ойлик маошимизни вақтида ололмаймиз. - дейди у куйиниб.

Ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи касаба уюшма ташкилоти бу жамоада йўқлигига ажабландик. Мудирнинг айтишича, мусиқа мактаби ўқитувчиси Исроил Ниёзов бошқа жойга ишга кетганлиги сабабли сентябр ойидан бери касабақўм раиси ўрни бўш турибди. Суриштириб билсак, Исроил Ниёзов ҳамон мусиқа мактабида ишлаётгани, бироқ ҳеч қачон касабақўм раиси бўлмаганлиги маълум бўлди. Ваҳоланки, бу жамоада 37 нафар ходим меҳнат қилади. Уларга ишлашлари учун етарли шарт-шароит яратиб бериш, сиҳатгоҳларга йўлланмалар ажратиш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи касаба уюшма ташкилотини тугатиб юбориш мудирга нима учун керак бўлди экан?!

**Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири**

***Ўзбекистоннинг бетакрор табиати рассомлар учун илҳом манбаи ҳисобланади. Мамлакатимиз мўйқалам усталарининг энг яхши асарлари айнан она табиатимизга бағишлангани бежиз эмас.***

## ТАБИАТ РАССОМЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида очилган «Инсон ва табиат» кўргазмаси нафақат санъатшунослар, балки талабалар, тасвирий санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Икки юздан ортиқ асар шу мавзуга бағишланган. Кўргазмани Ўзбекистон рассомларининг ўтган йил учун ўзига хос ижодий ҳисоботи дейиш мумкин.

Кўргазмага ташриф буюрганлар Чимённинг пурвиқор чўққилари, Сурхон ва Фарғона водийсининг ўхшаши йўқ манзараларини томоша қилиш имкониятига эга бўлади. Р.Гаглоеванинг «Оқ булоқ», Ғ.Қодировнинг «Фарғона водийси», А.Батиковнинг «Чотқол» каби асарлари она табиатимиздан ғурурланиш, атроф-муҳитни асраб-авайлаш зарурлиги ҳиссини уйғотади.

**(ЎзА)**

*Биз билган, билмаган дунё*

***Захириддин Муҳаммад Бобур гарчанд XVI аср бошларига келиб, Ҳиндистонни забт этган бўлса ҳам, унинг бутун фикри-зикри она юртида бўлган. У то 1512 йилга қадар Шайбоний ҳукмдорлар билан жангу жадал олиб бориб, муваффакият қозонолмагач, ҳинд диёри сари изланишга мажбур бўлган. Бобур бу мамлакатни қўлга киритгандан кейин ҳам, то умрининг охиригача Мовароуннаҳрдан, унинг одамларидан меҳр кўзини узолмайди, ўзини йўқлаб келган минглаб турли касб эгаларига, уларнинг оилаларига мурувватини дариғ тутмайди. Фикримиз тасдиғи учун Бобурнинг қизи Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома»сидан маълумотлар келтириш ғоят қизиқарлидир.***

## ТОҒЛАР ОША, ДАРЁЛАР ОША...

Гулбаданбегим 11 ёшда эканида унинг акаси Ҳиндол Мирзони Деҳлида уйлантирадилар. Дарёнинг бўйида «Тилсим» деб аталган тўйхона ҳам барпо қилинади. Худди ана шу тўйга Мовароуннаҳрнинг турли сарҳадларидан кўчиб келган меҳмон хонимлар ҳам ташриф буюрадилар. Ёш Гулбадан ҳатто уларнинг тўйда ким-кимлар билан ёнма-ён ўтирганлигини ҳам эсдан чиқармайди. «Ҳиндол акажонимнинг ўнг томонида, - деб таништиради Гулбаданбегим, - аммаларим бўлмиш Султон Абу Саид Мирзонинг қизлари – Фаҳри Жаҳон бегим, Гавҳаршод бегим, Бадиъул Жамол бегим, Оқ бегим, Султон Бахт бегим ва Ҳадича Султон бегимлар ўтиришди. Бошқа кўрпачага аммаларимиз Фирдавс Макон Ҳазрат (Бобур)нинг сингиллари Шаҳрбону бегим, Ёдгор султон бегим; Султон Ҳусайн Мирзонинг қизи Ойша султон бегим; подшоҳ (Бобур) ҳазратларининг аммалари Зайнаб султон бегимнинг қизи – Улуғ бегим ва подшоҳнинг амакилари Султон Аҳмад Мирзонинг қизлари Ойша султон бегим; Султон Халил Мирзонинг қизлари – подшоҳнинг аммалари – Бека султон бегим; Мирзо Қобулийнинг қизлари – Моҳим бегим ва Бека бегимлар; Султон Масъуд Мирзонинг қизи она томонидан Поянда Муҳаммад Султоннинг набиралари – подшоҳнинг аммалари Хонзода бегим, Боадиъул Жамол бегимнинг қизи – Шоҳхоним, Оқ бегимнинг қизи Хоним бегим; подшоҳнинг катта тоғалари Султон Маҳмудхоннинг қизи – Зайнаб султон хоним; подшоҳнинг кичик тоғалари, Султон Аҳмадхоннинг қизи – Муҳибба султон хоним; Мирзо Ҳайдарнинг опаси, подшоҳ холаларининг қизи – Хониш бека, Калон бегим, Кичик бегим; Дилшод бегимнинг оналари – подшоҳнинг аммалари бўлган Фаҳри Жаҳон бегимнинг қизлари – Шоҳ бегим, Кичкина бегим, Оппоқ бегим, Султон Бахт бегимнинг қизлари – подшоҳ аммалари Меҳрлик бегим; подшоҳнинг холалари Султон Ҳусайн Мирзонинг набиралари – Шод бегим; Султон Ҳусайннинг набираси, Музаффар Мирзонинг қизи – Меҳрангез бегимлар; Хўжа Абдулло Марвариднинг қизи – Хоним оғача; Амир Мўғулнинг онаси Нигор оғача; Мунъимхоннинг хотини Оға кўка; Миршоҳ Ҳусайннинг қизи – Асас бека ва бошқалар» иштирок этадилар.

Бу кўчирмани муфассал келтиришимиздан мурод, ўша пайтда Мовароуннаҳрда Шайбонийлар зулмидан тум-тарақай бўлиб кетган темурий асилзодаларнинг минг-минглаб вакиллари Ҳиндистон мамлакатига умрбод михланиб қолганлигини кўрсатишдир. Гулбаданнинг тўй муносабати билан санаб кўрсатган меҳмонлари 96 та аёлни ташкил этади. Бироқ тўйда қатнашган бу аёлларнинг фарзандлари, ака-укалари, опа-сингиллари, эрлари, онаси ёки оталарини ҳам уларнинг сонига қўшадиган бўлсак, анчагина сонни ташкил этади.

Хўш, нега минг-минглаб одамларнинг сараси, амалдорлар, санъаткорлар, турли ноёб касбларни эгаллаган таниқли кишилар Ҳиндистон томон ошиққанлар. Бунинг сабаби битта – жуда катта бойликка эга бўлган ҳудудсиз бу улкан мамлакатни Бобур қўлда сақлаб қолиш йўлларини ўйлаб, уни идора қиладиган забардаст қўлларни қидирган. Мавораунаҳрга элчилар юбориб уларга: «Соҳибқирон авлодидан бўлган ҳар бир киши бизнинг даргоҳимизга етиб келсинлар. Худо бизга ҳинд диёрини ато этди, келсинлар, то бу давлатни бирга сурайлик» деган фармони олийини тутқазган. Ва у ўз сўзида туриб Ҳинд тупроғига қадам қўйган ҳар бир мовароуннаҳрликни ер, сув, амал мансаб ва бошқа турли инъомлар билан таъминлаб, турар-жойларини ҳам тайин қилиб беради. Бобуршоҳдан кейин бу анъана то 1854 йилгача, яъни Баҳодиршоҳ II давригача давом эттирилади.

Энг муҳими, Бобурийлар Ҳиндистондан туриб Мовароуннаҳр ҳаётини, маданияти, санъати, иқтисоди ва сиёсатини кузатиб турган. Бу ерда таҳликага тушган ҳар бир ҳукмдор Бобурийлар билан сиёсий алоқада бўлиб турган. Буларни биз айниқса, XVI-XVII асрда Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда яшаб ижод этган тарихчи ва тазкиранавислар ёзиб қолдирган қўлёзма асарларидан билиб оламиз. Тарихий маъхазларнинг шаҳодат беришича, Бобурийлар билан Мовароуннаҳр ораларидаги савдо-сотиқнинг ривож топиши, 1570-80 йиллардан бошлаб кучайган. Ҳатто, Бухоро хони Искандар ва унинг ўғли Абдуллахон II даврларида ҳар икки томоннинг элчихоналари ишлаб турган.

XVII асрнинг ўрталаригача яшаган бухоролик шоир, тарихчи ва тазкиранавис Мутрибий 320 дан ортиқ мовароуннаҳрлик шоирлар тўғрисида маълумот берувчи «Тазкират ут-шуаро» китобида Ҳиндистонга кетиб ижод қилган бир нечта шоирлар хусусида маълумотлар келтиради. Унинг Акбаршоҳнинг ўғли Жаҳонгиршоҳга бағишлаб ёзилган иккинчи китоби «Нусхайи зебойи Жаҳонгир» деб номланган. Мутрибий шу тазкирага оид маълумотлар йиғиш истагида 1624 йили Балх, Қандаҳор, Бодахшондан ўтиб, Лоҳурга Жаҳонгиршоҳ ҳузурига ташриф буюради. У Ҳиндистонда яшаб ўз асарини тугаллагач, тазкирасининг номини ҳам Жаҳонгиршоҳга атайди. Кейинчалик Мутрибий «Хотироти Мутрибий» номли асар ёзиб, унда Жаҳонгиршоҳ билан қилган йигирмадан ортиқ учрашув ва суҳбатларини ҳикоя қилади. Қизиқарлиси шундаки, шоҳ билан Мутрибий ораларидаги суҳбатнинг аксарияти Ўрта Осиёда истиқомат қилувчи хонлар, шаҳзодалар, хожаларга қаратилган.

Жумладан, Мутрибий Абдуллахон ва унинг ўғли Абдулмўминхон саройида хизмат қилганлигини инобатга олиб, шоҳ уларнинг давлат ишларидаги тутимлари, феъл-атвори, куч-қудрати, ижтимоий-иқтисодий вазифаси, ҳатто шаклу шамойилигача диққат билан сўраб, суриштиради. Жаҳонгир Бухоро хони Абдуллахон ва унинг ўғли Абдулмўминхон суратларини кўрсатиб, суратларни ўхшаш-ўхшамасликлари хусусида фикр сўрайди. Мутрибий расмларга синчков назар ташлаб, Абдуллахон бир оз семизроқ чизилганлигини ва иягидаги чандиғи акс этмай қолганлигини, Абдулмўминхон эса салласининг ўралиши ҳам бошқача бўлганлигини кўрсатади. Ҳатто, шоҳнинг ижозати билан саллани қандай ўраб юрганлигини подшоҳнинг ўзига ўраб кўрсатади. Шунингдек, буғдой ранг тусга эга бўлган шаҳзода суратда қорароқ қилиб чизилганлигини ҳам очиқ айтади. Шундан кейин шоҳ мусаввирни чақириб, суратларни қайта чиздиради.

Мутрибий Жаҳонгиршоҳ билан қилган учрашувларининг бирида жуда қизиқ воқеа содир бўлганлигини айтади. Шоҳ 12 варақли, катталиги тўрт энликдан ошмайдиган, нўхот рангли калит-қулуб қилинадиган бир китобни кўрсатиб: «унинг саҳифаларига нимани хоҳласанг ёзишинг ва ўчиришинг мумкин, ўчиргандан сўнг ҳарфлар яна варақда асл ҳолига қайтади, яна қайта ёзиб,яна шундай ўчириш мумкин. Шундай қилиб, унга бутун дунёнинг ҳамма китобларини кўчириб ёзса бўлади», - деб уни Мутрибийга тақдим қилади. Мутрибий шу тилсим китобни Бухорога қайтгач, Имомқулихонга (1611-1642й) тақдим этганлигини айтади.

**Маҳмуд НАЗАРОВ, филология фанлари номзоди**

**(Давоми бор).**



*Хабарлар оқимидан*

## БЕҒАРАЗ ЁРДАМ УЧУН ГРАНТЛАР

Янги йилда республикамизда ўқувчи ёшларга ўқитиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш борасида кенг кўламли ижтимоий тадбирлар амалга оширилади. Бундай хайрли ишни рўёбга чиқаришда Япония ҳукуматининг беғараз ёрдам кўрсатиш дастурлари ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ушбу дастурлар «Ўрта мактабларда» ўқитиш шароитини яхшилаш лойиҳасини ҳам ўз ичига олади. Шу мақсадда Самарқанд, Фарғона ва Навоий вилоятларидаги мактаблардан бир нечтасига грантлар ажратилди.

Тошкентдаги «Илғор» маҳалласида ўқув марказини очишга ҳам киришилди. Бунинг учун катта миқдордаги пулдан иборат грант топширилди. Бундай беғараз кўмакдан биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтининг афтольмология клиникаси бўлими ҳам баҳраманд бўлади. Ажратилган грант ҳисобидан бўлимга замонавий тиббий жиҳозлар сотиб олинади.

## МУНОСИБ МУКОФОТ

Адабиётшунос олима Кавсар Турдиева ўз илмий-педагогик салоҳиятини Тошкент педиатрия тиббиёт институтида тил ва адабиёт кафедрасининг мудири сифатида намоён этиб келмоқда. Айни вақтда олий ўқув юртида чоп этилаётган «Педиатор» кўп нусхали газетага муҳаррирлик қилиб келмоқда.

Ушбу матбуот нашрида адабиёт ва санъат саҳифаси орқали ёш қаламкашлар ижоди кенг ёритиб борилмоқда. Шеърият ихлосмандларига устозлик қилиши билан бирга ўзи ҳам ўқувчини ўзига жалб этувчи поэтик асарлар яратиб, истеъдодли шоира янглиғ яхши танилиб қолди.

Олима ва шоиранинг болаларга бағишлаб ёзган шеърлари ўзига хос жозибага эга. Бундай мазмунли ижод намуналари жамланиб, «Обод маҳаллам кўчалари», «Она иси», «Меҳр» деб номланган тўпламлар орқали ўқувчи ёшларга тақдим этилди.

Шоиранинг навбатдаги тўплами эса «Тозалик-гўзаллик» деб номланди. Кичик ёшдаги болаларга бағишланиб чоп этилган бу янги нашр Кавсар Турдиеванинг энг яхши китобларидан бири деб топилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро болалар жамғармаси ҳомийлигида республика болалар жамғармаси саъй-ҳаракати билан ўтказилган болаларга бағишланган бадиий асарлар танловида шоиранинг «Тозалик-гўзаллик» тўплами совринли мукофот билан тақдирланди.

**А.АЛИЕВ**

***Пойтахтимизда бундай нуфузли турнирлар кўп бора ўтказилган. Ўтган асрнинг 70-80 йилларида ўсмирлар ўртасида ташкил этилган халқаро турнирда қатнашган кўплаб иқтидорли ёшлар кейинчалик катта футболда ҳам ном қозонганди. Сўнгги халқаро турнир эса бундан икки йил муқаддам бўлиб ўтган. Ўшанда «Пахтакор-79» хотира турнирида фахрийлар иштирок этган бўлса-да, уларнинг чиройли ўринлари мухлисларни ниҳоятда хушнуд этганди. Мана энди ўша анъана қайта тиклнадиган бўлди.***

## «ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ТУРНИРИ»

### тайёргарлик мактабини ўтайди

*Футбол*

22 феврал - 1 март кунлари «Пахтакор» ва «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуи ўйингоҳларида, анъанавий тарзда ўтказилиши режалаштирилаётган «Тошкент халқаро турнири» бўлиб ўтади. Унда иштирок этувчи жамоаларнинг номлари маълум, ўйинлар тақвими ҳам ишлаб чиқилган. Аслида турнирда МДҲ давлатларининг чемпион жамоалари иштирок этиши режалаштирилган эди. Турнир ташкилотчилари бу ҳақда барча МДҲ давлатларига таклифномалар жўнатганди. Бироқ Киев ҳамда Минскнинг «Динамо» жамоалари баъзи сабабларга кўра мусобақада иштирок этолмасликларини билдирди. Уларнинг ўрнига ҳар икки давлатнинг олимпия ва ёшлар жамоалари иштирок этадиган бўлди. Улардан ташқари Латвиянинг кўп карра чемпиони «Сконто», Арманистоннинг амалдаги чемпиони «Пюник», Тбилисининг «Локомотив» ҳамда «Пахтакор» жамоалари ғолиблик учун баҳс олиб боришади.

Турнирнинг мукофот жамғармаси 100 000 АҚШ долларини ташкил этади. Ғолиб жамоага 40 000, 2-ўрин соҳибига 30 000, 3-ўрин эгасига 20 000 ҳамда 4-ўринни эгаллаган жамоага 10000 доллар миқдорида мукофотлар берилади. Бу маблағ ҳомийлар томонидан таъсис этилган. Турнирни ўтказиш ғояси «Пахтакор» клубидан чиққанлиги боис жамоа мезбонлик вазифасини ўз зиммасига олган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, турнир МДҲ чемпионлари Кубогининг давомчиси бўлиб қолиши мумкин. Чунки кейинги пайтда Москвадаги турнир танқидга учрамоқда. Шу боис бу йилги мусобақа сўнггиси ҳам бўлиши мумкин. Агар шундай ҳолат юзага келса, ушбу турнир қатнашчилари келаси йилдан Тошкентга ташриф буюради. Сабаби биздаги об-ҳаво ва бошқа шароитлар жамоалар мавсумолди тайёргарликларини кўнгилдагидек ўтказиши учун жуда қулай. Яна бир томони, турнирнинг мукофот жамғармаси МДҲ турнириникидан анча салмоқли.

Жамоалар икки гуруҳга бўлинган ҳолда баҳсга киришадилар. «А» гуруҳидан «Пахтакор», «Локомотив», «Пюник», «В» гуруҳидан «Сконто», Украина олимпия ҳамда Белорус ёшлар терма жамоалари ўрин олган. Халқаро турнир иштирокчи жамоалар учун мавсумолди тайёргарлигини ўташи тайин. Жумладан миллий терма жамоамиз футболчилари учун ҳам. Чунки терма жамоада тўп сураётган футболчилар асосий қисмини «Пахтакор»чилар ташкил этади.

**Мусобақа тақвими қуйидагича:**

22 феврал. «Локомотив» -«Пюник»
23 феврал. «Сконто» - «Белорус»
24 феврал. «Пахтакор» -«Локомотив»
25 феврал. «Украина»- «Сконто»
26 феврал. «Пюник» - «Пахтакор»
27 феврал. «Белорус» -«Украина»
1 март. Финал ва учинчи ўрин учун ўйин.

**Абдулҳай ЮНУСОВ**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 17262 Буюртма Г— 016 1 2 3 4 5